

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК  
ҲИСОБНИ ЮРИТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА РАҚАМЛИ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Вахобжонов Дилмурод Дилшоджон ўғли**

*ИИВ Академияси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” кафедраси  
ўқитувчиси.*

**Жўллийев Аббос Муҳиддин ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим 3-ўқув курси  
311-гуруҳ курсанти*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторларининг роли, профилактик ҳисоб юритишдаги ташкилий-ҳуқуқий ва амалий муаммолар таҳлил қилинади. Тадқиқотда қоғоз шаклидаги ҳужжатлар айланишидан тўлиқ электрон (планшет) тизимига ўтиш, маълумотлар базаларини интеграция қилиш ва тизимни либераллаштириш масалалари ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактик ҳисоб, профилактика инспектори, рақамлаштириш, планшет тизими, электрон йиғма жилд, маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар, якка тартибдаги профилактика, ижтимоий реабилитация.*

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ  
ОСНОВ И ЦИФРОВИЗАЦИИ ВЕДЕНИЯ ПРОФИЛАКТИЧЕСКОГО УЧЕТА  
ИНСПЕКТОРАМИ ПРОФИЛАКТИКИ.**

**Аннотация:** *В данной статье анализируются роль инспекторов профилактики в реализации индивидуальной профилактики правонарушений, организационно-правовые основы ведения профилактического учета и системные проблемы на практике. В исследовании освещаются вопросы перехода от бумажного документооборота к полной электронной (планшетной) системе, интеграции баз данных и либерализации системы.*

**Ключевые слова:** *профилактика правонарушений, профилактический учет, инспектор профилактики, цифровизация, планшетная система, электронное дело, административно-правовые реформы, индивидуальная профилактика, социальная реабилитация.*

**ISSUES OF IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL FRAMEWORK  
AND DIGITALIZATION OF PREVENTIVE REGISTRATION BY PREVENTION  
INSPECTORS.**

**Annotation:** *This article analyzes the role of prevention inspectors in the implementation of individual crime prevention, the organizational and legal framework of preventive registration, and systemic problems in practice. The study highlights the transition from paper-based documentation to a fully electronic (tablet) system, data integration, and the liberalization of the system.*

**Keywords:** *crime prevention, preventive registration, prevention inspector, digitalization, tablet system, electronic case file, administrative-legal reforms, individual prevention, social rehabilitation.*

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишнинг мутлоқ янги тизими трансформация қилинмоқда. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида асосий концептуал ёндашувжазолашдан кўра, ҳуқуқбузарлик содир этилишига имкон берган детерминантларни (сабаб ва шарт-шароитларни) аниқлаш ҳамда бартараф этишга йўналтирилган. Бунда профилактика инспекторлари томонидан юритиладиган профилактик ҳисоб механизмини ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий-технологик жиҳатдан мақбуллаштириш устувор вазифа ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишларининг тизимли ривожланиши мамлакатимизда жиноятчилик ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар детерминантларини барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш тизимининг самарадорлигини оширишда стратегик аҳамият касб этади.

Ушбу тизимнинг муҳим институционал элементларидан бири профилактик ҳисобга олиш институти бўлиб, мазкур фаолият ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ижтимоий адаптациясини таъминлаш, уларнинг хулқ-атворини коррекция қилиш ва рецидив ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади.

Ушбу мақоланинг асосий тадқиқот объекти профилактик ҳисобга олишнинг концептуал-ҳуқуқий асослари, унинг стратегик мақсадлари, процессуал тартиби ва амалий самарадорлигини тизимли таҳлил қилиниб, илмий таҳлиллар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371 сонли Қонуни нормалари, соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ИИВнинг 2017 йилдаги 191-сонли буйруғи ҳамда замонавий криминологик назарияларга асосланган ҳолда амалга оширилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ғайриижтимоий хулқ-атворли ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга манзилли тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг самарали воситасидир. Бироқ, амалдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 35, 38-моддалари таҳлили шуни кўрсатадики, профилактик ҳисоб муддатлари ва асослари

ўртасида муайян номувофиқликлар мавжуд. Жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг 26 та тури бўйича автоматик равишда ҳисоб юритиш амалиёти профилактика инспекторининг иш юкмасини асоссиз ошишига ва профилактик ишларнинг сифати пасайишига олиб келмоқда. Шу боис, соҳавий ислохотлар доирасида мазкур ҳуқуқбузарликлар рўйхатини мақбуллаштириш ва фақатгина юқори хавф даражасига эга шахслар билан ишлаш тизимига ўтиш долзарб аҳамият касб этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида профилактик ҳисоб институтини норматив-ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 34–42-моддалари профилактик ҳисобни ташкил этиш, юритиш ва тўхтатишнинг процессуал тартибини белгилаб берувчи фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

Қонуннинг 35-моддаси профилактик ҳисобга олиниши лозим бўлган субъектларнинг илмий асосланган рўйхатини тақдим этади. Унга кўра, профилактик таъсир объектлари қуйидаги криминоген хавфи мавжуд бўлган тоифаларга бўлинади:

1. Илгари судланган ва жазони ўтаб қайтган шахслар (маъмурий назорат остидагилар бундан мустасно);

2. Суд ҳукми билан жазо тайинланмаган айбдорлар, реабилитация қилинмайдиган асослар билан жиноят иши тугатилган шахслар ҳамда қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланилган айбланувчилар;

3. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларида (40, 41, 52, 131, 183 ва бошқалар жами 26 та) назарда тутилган, жамият учун ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар;

4. Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган қайта ижтимоийлаштиришга муҳтож ёшлар.

Ушбу тоифаларнинг криминологик таҳлили шуни кўрсатадики, профилактик ҳисоб тизими рецидив (қайта содир этиш) потенциали юқори бўлган хавф гуруҳларига йўналтирилган. Субъектларнинг бундай таснифланиши профилактика инспекторига таъсир чораларини дифференциация қилиш (фарқлаш) ва ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятидан келиб чиқиб манзилли профилактикани амалга ошириш имконини беради.

Профилактик ҳисобда турган шахслар билан ишлаш жараёнида яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлиги бевосита персоналлаштирилган ёндашув тамойилига асосланади. Бунда профилактика инспектори томонидан субъектнинг нафақат ҳуқуқий мақоми, балки унинг мураккаб руҳий-ижтимоий портретини тизимли диагностика қилиш талаб этилади.

Шунга мувофиқ, профилактик таъсир чораларини қўллашда қуйидаги детерминантларни (белгиловчи омилларни) инобатга олиш стратегик аҳамиятга эга:

② Шахснинг ёши ва жинси (таъсир чораларининг интенсивлиги ва услубини белгилайди);

② Руҳий саломатлик ва шахснинг эмоционал-иродавий сифатлари (хулқ-атвор коррекциясининг имкониятларини аниқлайди);

② Маълумоти, мутахассислиги ва ижтимоий аҳволи (шахсни жамиятга ресоциализация қилишда иқтисодий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имконини беради);

② Эҳтиёжлар, қизиқишлар ва қобилиятлар (бу шахснинг ғайриижтимоий майлларини ижобий ижтимоий фаолиятга йўналтиришнинг асосий нуқталари ҳисобланади).

Ушбу шахсий хусусиятларни ҳар томонлама ўрганиш профилактика инспекторига нафақат юзаки назорат ўрнатиш, балки шахснинг ички дунёсига таъсир этувчи яқка профилактик траекторияни шакллантириш имконини беради. Мазкур ёндашув виктимологик ва криминологик профилактиканинг энг муҳим шарти бўлиб, жазо ва мажбурлов чораларидан ишонтириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларига ўтишнинг назарий ва амалий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида статистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тезкорлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органларида профилактик ҳисоб юритишнинг қатъий иерархик (вертикал) ҳисобдорлик тизими шакллантирилган. Ушбу механизм профилактик тадбирларнинг натижадорлигини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш имконини берувчи муҳим индикатор ҳисобланади.

Амалдаги тартибга кўра, ҳисоботларнинг айланиши қуйидаги босқичма-босқич занжир асосида амалга оширилади:

1. Профилактика инспектори даражасида ҳисобда турган шахсларнинг ҳаракати (ҳисобга олиш, чиқариш ва қолдиқ) бўйича бирламчи маълумотлар шакллантирилади.

2. Маҳаллий даражадаги маълумотлар умумлаштирилиб, ҳудудий профилактика хизматининг ягона статистик массивига айлантирилади (ҳар ойнинг 30-санасига қадар).

3. Ҳудудий кесимдаги кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, Марказий аппаратга тақдим этилади.

4. Республика миқёсида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг динамикаси ва контингент таркиби бўйича якуний статистик хулосалар чиқарилади.

Ҳисобот шакли криминологик нуқтаи назардан тизимли-структуравий таҳлил моделига асосланган. Унда шахсларнинг нафақат умумий сони, балки

уларнинг ҳуқуқий мақоми бўйича классификацияси (судланганлар, маъмурий ҳуқуқбузарлар ва ҳ.к.) акс эттирилади. Бу эса ўз навбатида, муайян ҳудуддаги жиноятчилик фонини аниқлаш ва профилактик куч-воситаларни криминоген вазиятдан келиб чиқиб қайта тақсимлаш (дислокация қилиш) имконини беради.

Бироқ, ушбу қоғоз шаклидаги ҳисоботлар тизимини автоматлаштирилган электрон мониторинг тизимига трансформация қилиш зарурати мавжуд. Планшет қурилмалари орқали маълумотларни реал вақт режимида базага киритиш, юқорида баён этилган кўп босқичли бюрократик занжирни қисқартиришга ва маълумотларнинг инсон омилисиз ҳаққоний шаклланишига хизмат қилади.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ҳамда таянч пунктлари фаолиятида махсус рўйхат ҳисобини юритиш жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларни барвақт диагностика қилишнинг муҳим шартидир. Ушбу рўйхатларга киритилган шахслар тоифаси уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ижтимоий-тиббий ҳолатидан келиб чиқиб, кўйидагича классификацияланади:

1. Тиббий-ижтимоий характерига кўра аддиктив ва девиант хулқ-атворга мойил шахслар:

- Аддиктив ҳолатдаги шахслар: Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган, тиббий муассасалар ҳисобида турувчи шахслар. Бу тоифадаги шахслар билан ишлашда профилактика инспектори соғлиқни сақлаш органлари билан интеграциялашган назоратни амалга ошириши лозим;

- Психосоматик ва соматик хавф гуруҳлари: Руҳий касалликларга чалинган ҳамда таносил касалликларини ташувчи шахслар. Бу ерда профилактиканинг мақсади нафақат ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, балки жамиятнинг санитария-эпидемиологик ва психологик барқарорлигини таъминлашдан иборат.

2. Миграцион ва ҳудудий назорат омиллари:

- Доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахслар. Ушбу тоифанинг мониторинги назоратсизлик ва қаровсизликнинг олдини олиш, шунингдек, шахснинг жиноий гуруҳлар таъсирига тушиб қолмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

3. Постпенитенциар назорат ва криминал рецидивнинг олдини олиш:

- Жазони ижро этиш инспекциялари ҳисобидан чиққан, аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасига мувофиқ судланганлик ҳолати тугалланмаган шахслар.

Ушбу тоифадаги шахсларнинг рўйхатини юритишда профилактика инспектори зиммасига нафақат маъмурий назорат, балки тизимли хабар олиш ва ижтимоий-ҳуқуқий кўмаклашиш вазифаси юклатилади. Шу билан бирга, мазкур рўйхатларни юритишда шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини

таъминлаш ва инсон кадр-қимматини камситмаслик тамойилларига қатъий риоя этилиши тизимнинг демократик мазмунини белгилаб беради.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлиги нафақат хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти, балки соғлиқни сақлаш муассасалари билан ўрнатилган тизимли ҳамкорликка ҳам боғлиқдир. Бу айниқса, аддиктив хулқ-атворга мойил ва руҳий саломатлигида нуқсонли бўлган шахслар мониторингида яққол намоён бўлади.

Мазкур ҳамкорлик механизмини қуйидагича босқичларга ажратиш мумкин:

1. Расмий маълумотлар алмашинуви ва верификация қилиш ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан ҳар чорак якуни бўйича соғлиқни сақлаш муассасаларига расмий сўров хатлари юборилади. Ушбу сўровлар асосида сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик, руҳий касалликлар ва таносил касалликларига чалинган шахсларнинг рўйхатлари олинади.

2. Маҳаллий даражадаги амалий интеграция қилиш орқали олинган маълумотлар ички ишлар органлари таянч пунктларига йўналтирилади. Бу ерда профилактика инспектори ва соғлиқни сақлаш идоралари мутахассислари (нарколог, психиатр ва ҳ.к.) ўртасида функциялар интеграцияси юзага келади. Биргаликда ўтказиладиган профилактик тадбирлар шахсга нисбатан ҳам тиббий, ҳам хуқуқий таъсир чораларини комплекс қўллаш имконини беради.

3. Рақамли ҳамкорлик истиқболлари: таъкидлаш жоизки, анъанавий сўров хати асосидаги маълумот алмашинуви бугунги кунда тезкорлик талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Илмий нуқтаи назардан, ушбу жараённи икки идора ўртасидаги автоматлаштирилган маълумотлар базаси интеграцияси тизимига ўтказиш зарур.

Бунда маълумотлар чораклик эмас, балки реал вақт режимида янгиланиши, профилактика инспектори ўз хизмат планшети орқали тегишли тиббий контингент ҳаракатини кузатиши, шахсга доир тиббий сир ва махфийлик талабларига рақамли хавфсизлик протоколлари орқали риоя этилиши таъминланади.

Профилактик ҳисобга олиш учун асослар тизимини функционал блокларга қуйидаги бўлиш мумкин:

1. Маъмурий-юрисдикцион асослар: “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасида белгиланган таркиблар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги ваколатли орган ёки мансабдор шахснинг қарори. Бунда профилактика инспектори маъмурий жазонинг нафақат репрессив, балки превентив (олдини олувчи) функциясини таъминлайди.

2. Жиноий-процессуал асослар:

Жиноят ишини реабилитация қилмайдиган асослар билан тугатиш ёки қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорлар;

Қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланилган айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги процессуал ҳужжатлар;

Суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми.

3. Постпенитенциар ва ижтимоий-комиссион асослар:

Маҳаллий ёки хорижий жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганлик тўғрисидаги маълумотномалар;

Болалар масалалари бўйича идоралараро комиссияларнинг коллегиял қарорлари.

Таъкидлаш жоизки, бир шахсга нисбатан бир нечта асослар мавжуд бўлганда, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида ҳисоб юритилиши назоратнинг кўп қирралилигини таъминлайди. Бироқ, ушбу тизимни янада либераллаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қуйидаги илмий таклифларни киритиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, «суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми» асосини қўллашда шахснинг апелляция ва кассация шикоятни бериш ҳуқуқларини тўлиқ инобатга олиш, яъни юқори инстанция суди томонидан оқлов эҳтимоли мавжуд бўлган даврда шахснинг ҳуқуқий мақомини ҳимоя қилиш механизмини кучайтириш лозим.

Иккинчидан, кўп асослилиқ (бир шахсда бир нечта асос бўлиши) ҳолатида қоғоз шаклидаги такрорий ҳисоблардан воз кечиб, рақамли тизимда шахснинг ягона электрон профилини шакллантириш, барча асосларни битта электрон йиғма жилдда интеграция қилиш зарур. Бу инспекторнинг вақтини тежайди ва назоратнинг яхлитлигини таъминлайди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида шахсни профилактик ҳисобга қўйиш жараёни қатъий белгиланган қарор асосида амалга оширилиб, унинг мантиқий ва ҳуқуқий яқуни ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланади. Ушбу босқичда профилактика инспектори юридик фактларни тизимлаштириш ва асослантирилган маъмурий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлиб, қонунчиликда белгиланган дифференциал муддатларга (умумий тартибда ўн кун, постпенитенциар контингент учун уч кун) риоя этиши шахснинг криминоген муҳитга қайта мослашишининг олдини олишда муҳим криминологик аҳамият касб этади. Қарор кириш ва тавсиф, шахснинг ҳуқуқий онгини коррекция қилиш зарурияти баён этилган асослантирувчи (мотивацион) ҳамда келгуси профилактик чоралар белгиланган хулоса (резолютив) қисмларидан иборат. Шу билан бирга, процессуал шаффофлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида, Қонуннинг 42-моддаси талабига кўра, мазкур қарор шахсга мажбурий тартибда эълон қилиниши, унга ҳужжатлар билан танишиш, илтимоснома бериш ва юридик ёрдам олиш каби ҳуқуқлари ҳамда қонуний талабларни бажариш мажбуриятлари батафсил тушунтирилиши лозим.

Ушбу босқични рақамлаштириш, яъни қарорни планшет орқали электрон шакллантириш ва шахснинг электрон имзоси ёки биометрик тасдиғи билан қайд этиш, жараённинг шаффофлигини ошириш билан бирга, маълумотларнинг сохталаштирилишини истисно этувчи технологик фильтр бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, қарор нусхасини прокуратура органларига электрон каналлар орқали юбориш тизими прокурор назоратининг тезкорлигини таъминлайди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи маъмурий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қарор тасдиқланган кундан бошлаб уч кун ичида шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, имзо қўйдирилган пайдан бошлаб юридик кучга киради. Агар шахс имзо қўйишдан бош тортса, жараён тўхтатилмай, холис гувоҳлар иштирокида далолатнома тузилади. Бу ҳужжат шахснинг қарор билан танишганлигини тасдиқловчи юридик исботдир. Соҳага рақамлаштириш ва биометрик идентификациянинг (график имзо, бармоқ изи) жорий этилиши қоғозбозликни камайтириб, ҳужжатларни сохталаштириш имкониятини бартараф этади ҳамда давлат назоратининг рақамли изчиллиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида профилактика иши шахснинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳолатини акс эттирувчи ҳамда унинг ижтимоийлашув жараёнини илмий-криминологик кузатиш имконини берувчи марказий ахборот-диагностик массиви ҳисобланиб, уни юритиш «битта шахс – битта профилактика иши» тамойили асосида назоратнинг якка тартибдаги чораларни тизимлаштиришга хизмат қилади. Ушбу механизмнинг структураси биометрик идентификация, идоралараро координация (тиббиёт, бандлик, маҳалла) ва суҳбатлар варақаси орқали назоратни таъминлаб, ички ишлар тизимида институционал вертикални шакллантиради ҳамда рақамли трансформация стратегияси доирасида қоғоз шаклидаги ҳужжатларни «Электрон профилактика иши» моделига ўтказиш орқали маълумотларни автоматик синхронлаштириш ва криминоген хавфни башорат қилиш имкониятини яратади. Натижада, бюрократик юкломанинг кескин камайиши профилактика инспекторига ўз фаолиятини самарали йўналтириш учун кенг имкониятлар тақдим этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида профилактик ҳисоб маълумотлари юридик ва информацион-стратегик аҳамиятга эга бўлиб, уларни тизимли бошқариш ва вақт доирасидаги чегараларини белгилаш инспектор фаолиятининг қонунийлиги ва тезкорлигини таъминловчи муҳим кафолат ҳисобланади. «E-profilaktika» платформаси республика миқёсидаги назоратнинг тезкорлигини кафолатлаб, профилактик ҳисоб юритишнинг бир йиллик «криминологик синов муддати» доирасида шахснинг ижтимоий адаптациясини баҳолаш имконини беради, шу билан бирга, «динамик рестарт» тамойили асосида янги ҳуқуқбузарлик содир этилганда муддатнинг қайта тикланиши давлат

назоратининг изчиллиги ва рецидив жиноятчилик хавфи мавжуд бўлган даврда превентив таъсирнинг давомийлигини таъминлайди.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида профилактик ҳисобдан чиқариш шахс ва давлат органи ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий якунини ифодаловчи институционал жараён бўлиб, у шахснинг ҳуқуқий мақомини тўлиқ тиклаш ҳамда назоратнинг мақсадга мувофиқлиги тугаганлиги билан тавсифланади. Мазкур жараён объектив-вақтинчалик (муддатнинг тугаши), реабилитация қилувчи (оқлов ҳукми), пенитенциар трансформация (озодликдан маҳрум этиш) ҳамда ижтимоий-коррекцияловчи (муддатидан олдин тузалиш) каби юридик фактлар асосида амалга оширилиб, ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор билан расмийлаштирилади. Мазкур ҳужжат профилактика давридаги далилларни жамлаш ва институционал хотира сифатида ҳужжатларни 3 йил давомида архивда сақлаш орқали келгусида рецидив ҳолатларни таҳлил қилиш ва криминологик прогнозларни шакллантириш имконини беради, шунингдек, қарор нусхасининг прокуратура органларига юборилиши жараёнининг қонунийлиги устидан тизимли ташқи назоратни кафолатлайди.

Профилактик ҳисобни тўхтатиш босқичида «автоматик чиқариш» концепциясини жорий этиш ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу механизм доирасида муддат якунланиши билан тизим томонидан инспекторга автоматик билдиришнома юборилиши, «E-profilaktika» тизимини суд органларининг маълумотлар базаси билан интеграция қилиш орқали оқлов ҳукмлари асосида шахсни ҳисобдан инсон омилисиз чиқариш ҳамда қоғоз йиғма жилдлар ўрнини булутли технологиялар асосидаги рақамли архивлар билан алмаштириш назарда тутилади. Бундай технологик трансформация маълумотларни таҳлил қилиш тезкорлигини ошириш билан бирга, профилактик ҳисобдан чиқариш механизмининг индивидуал профилактика циклининг якуний ва энг муҳим босқичи сифатида давлатнинг превентив фаолияти самарадорлигини ҳамда инсон ҳуқуқларига содиқлигини ифодаловчи асосий ҳуқуқий мезонга айлантиради.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида назорат жараёнининг якунланиши ва вояга етмаганлар билан ишлашнинг ихтисослашган тартиби давлатнинг инсонпарварлик тамойилларини ифодалаб, маъмурий-ҳуқуқий регламентация ва педагогик-психологик коррекция чораларининг узвийлигини тақозо этади. Профилактик ҳисобдан чиқариш процесси ички ишлар органи бошлиғининг қарори тасдиқланган пайтдан кучга кириб, уч кунлик шаффоф хабардор қилиш муддати ҳамда криминологик прогнозлар учун уч йиллик «институционал хотира» архивини шакллантиришни назарда тутати; айни пайтда вояга етмаганлар билан ювенал-ҳуқуқий асосда ишлашда объектнинг «ижтимоий хавfli аҳволи» мезон қилиб олиниб, назоратсиз, девиант ва постпенитенциар тоифадаги ёшларга нисбатан профилактика инспекторининг

ижтимоий-педагогик координаторлик мақоми доирасида оилавий муҳитни соғломлаштириш ва мослашувчан ресоциализация муддатлари қўлланилади. Ушбу механизм ихтисослаштирилган муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларга нисбатан алоқа ҳуқуқи, инсоний муомала ва тўлиқ давлат таъминоти каби халқаро ювенал юстиция стандартларини кафолатлаш орқали шахсинг ҳуқуқий мақоми ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади:

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тоифасини камайтириш: Қонуннинг 35-моддасида профилактик ҳисобга олиш учун асос бўлувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг кенг рўйхатини (26 та тур) қайта кўриб чиқиш. Бунда асосий эътиборни жамият учун ҳақиқатда хавф туғдирувчи (тазйиқ ва зўравонлик, гиёҳвандлик, оилавий-маиший низолар) ҳуқуқбузарликларга қаратиш лозим.

Профилактик ҳисоб муддатларини шахсинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖХнинг 78-моддасида белгиланган судланганлик муддати билан ўзаро боғлиқ ҳолда дифференциация қилиш.

Шахс суднинг оқлов ҳукми ёки реабилитация қилувчи асослар билан жиноят иши тугатилган тақдирда, уни профилактик ҳисобдан автоматик равишда чиқариш ва унинг ҳуқуқий мақомини тиклаш механизминини Қонуннинг 39-моддасида қатъий белгилаб қўйиш.

Қоғоз шаклидаги профилактика ишларини юритишдан тўлиқ воз кечиб, “Электрон профилактик йиғма жилд” тизимига ўтиш. Бунда барча жараёнлар (ҳисобга олиш, суҳбатлар ўтказиш, ҳисобдан чиқариш) планшет орқали амалга оширилишини Қонун даражасида мустаҳкамлаш.

Профилактик ҳисобга олиш ва чиқариш тўғрисидаги қарорларни масъул ходим ва бўлинма бошлиғининг ЭРИСИ билан тасдиқлаш тизимини жорий этиш. Бу ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди ва вақтни тежайди.

Профилактика ишларини 3 йил давомида қоғоз шаклида сақлаш амалиётидан воз кечиб, уларни марказлаштирилган булутли серверларда рақамли архив сифатида сақлаш тизимини йўлга қўйиш.

ИИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Суд органлари ўртасида маълумотларни реал вақт режимида алмашиш тизимини яратиш. Бу инспекторга шахсинг тиббий ҳолати ёки иш билан таъминланганлиги ҳақида тезкор маълумот олиш имконини беради.

Профилактик ҳисобдаги шахсларни ижтимоий мослаштиришда «Маҳалла еттилиги» нинг вазифаларини электрон тизимда интеграция қилиш. Бу шахсни нафақат назорат қилиш, балки унинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

Ушбу таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши, биринчидан, профилактика инспекторининг хизмат юкламасини мақбуллаштиради, иккинчидан, профилактика тизимида шаффофликни таъминлайди ва энг муҳими жамиятимизда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда «Инсон қадри учун» тамойилининг тўлиқ рўёбга чиқишига хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атажанов, Ў. М. (2025). ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ, КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛЬ ВА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ СТРАТЕГИЯЛАРИ. Научный Импульс, 3(33), 146-156.
2. Атажанов, Ў. М. (2025). ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(40), 10-17.
3. Атажанов, Ў. М. (2025). ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР ТАҲЛИЛИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(40), 18-24.
4. Атажанов Ў. М., Найимов Х. Ж. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ //Научный Импульс. – 2025. – Т. 4. – №. 39. – С. 703-709.
5. Атажанов Ў. М. и др. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2025. – Т. 4. – №. 40. – С. 10-17.
6. Мустофақулов, Бобур Асрор Ўғли, and Авазбек Акрамжон Ўғли Турғунпўлатов. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИҚ, ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2025): 83-87.
7. Адхамов, З. А. (2025). БУХОРО ВИЛОЯТИДА ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР ТАҲЛИЛИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(6), 85-89.
8. Тиллаходжаев, Б., & Рахмонжонов, С. (2025). ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА НАЗОРАТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ. Журнал академических исследований нового Узбекистана, 2(6), 79-83.